



САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАРДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 май куни учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Туркия Республикаси вице-президенти Жавдат Йилмаз бошчилигидаги делегация, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо бошчилигидаги делегация, ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси президенти Абдулхамид Ал-Халифа ва Озарбайжон Республикаси иқтисодиёт вазири Микойил Жабборов бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Жавдат Йилмаз суҳбат аввалида давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг салони ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Фаол мулоқотлар барча даражаларда давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони, тўғридан тўғри авиақатновлар кўпаймоқда.

Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида энергетика, кончилик, озиқ-овқат, тўқимачилик ва бошқа устувор тармоқларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг бўлажак навбатдаги йиғилиши кун тартибини тайёрлаш, энг аввало, кооперация лойиҳаларининг янги портфели ва маданий-гуманитар алмашинув дастурини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Одиль Рено-Бассо бошчилигидаги делегация билан учрашувда кейинги йилларда Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида шерикликнинг юксак даражасига эришилгани, яқин ва самарали ҳамкорлик қилинаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугунги кунда банкнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари портфели 4,4 миллиард евродан ошган. Уларда хусусий сектор улуши 70 фоизга яқинлашди.

Ҳамкорлик йўналишлари ва кўламини, энг аввало, кичик ва ўрта бизнес, хотин-қизлар тадбиркорлиги, муқобил энергетика, рақамли технологиялар каби соҳаларда кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон ва ЕТҲБ ўртасида янги Шериклик стратегияси қабул қилинди.

Банкнинг фаол кўмаги ва беvosита иштирокида давлат корхоналарини хусусийлаштиришга тайёрлаш тадбирлари олиб борилмоқда, банк-молия соҳасида йирик битимлар амалга оширилди, “яшил” энергетика, транспорт инфратузилмаси, экология ва бошқа устувор йўналишларда меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари сув таъминоти, энергетика, йўл инфратузилмаси, “яшил” шаҳарларни ривожлантириш борасида янги лойиҳаларни тез фурсатда

тайёрлаш ва амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Бўлажак Хорижий инвесторлар кенгаши мажлисининг кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Абдулхамид Ал-Халифа билан учрашувда ОПЕК жамғармасининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги муҳим ўрнини қайд этиб, Ўзбекистонда sanoat, инфратузилма, сув таъминоти ва бошқа соҳаларда молиялаштириладиган тадбиркорлик лойиҳаларини юқори баҳолади.

Форум давомида имзоланган қиймати 500 миллион долларлик битим доирасидаги лойиҳаларни тез фурсатда тайёрлаш ва амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳужжатда туризм, логистика, фармацевтика, экология, хотин-қизлар тадбиркорлиги ва

ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш каби янги йўналишларда амалий ҳамкорликни ривожлантириш назарда тутилган.

Озарбайжон Республикаси иқтисодиёт вазири Микойил Жабборов учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг самимий салони ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш, шунингдек, илгари эришилган келишувлар ижроси доирасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўтган йилда ўзаро товар айирбошлаш 27 фоизга, жорий йил бошидан эса яна 15 фоизга ошди.

Автомобилсозлик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, тўқимачилик,

туризм ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Лойиҳалар портфелини, шу жумладан, Қўшма инвестиция компанияси маблағларини жалб қилган ҳолда янада кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларнинг иқтисодий кун тартибини пухта тайёрлаш мақсадида яқин фурсатда Ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ҳамда икки мамлакат ҳудудларининг иккинчи форуми ўтказилади.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ўзбекистон, Озарбайжон ва Қозғистон энергетика вазирларининг бўлиб ўтган уч томонлама учрашувининг асосий яқунлари юқори баҳоланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ФАРМОНЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш, бозор таъминотини асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш ҳамда пенсия ва нафақалар миқдорларининг расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан кам бўлмаслигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.


2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 30 апрел

КЎКСИНГ ТЎЛИБ, ТЎЙИБ НАФАС ОЛ Табиатни асраш, ресурсларни тежаш — бурчимиз



Бу йил март ойи нисбатан серёгин бўлди. Ёгин кўп бўлишини кўпчилик юртдошларимиз, айниқса, қишлоқ аҳли мўл сув ва юқори ҳосилдорлик манбаи ўлароқ яхши кўради. Менга эса бошқа бир жиҳати — ёмғирдан кейинги тоза ҳаводан кўксингни тўлдириб нафас олиш мумкинлиги кўпроқ ёқади.

Кейинги пайтларда пойтахт ҳавоси ифлосланиш даражаси юқорилади, антитейнингга тез-тез етакчилар қаторига чиқапти. Ижтимоий тармоқларда бунинг сабаблари турлича талқин қилинди.

Сув билан ҳаводек зарур, деган гапни кўп ишлатамиз. Зеро, шу икки унсурсиз ҳаёт йўқ. Айниқса, кейинги пайтларда бунинг қадри қанчалик банд эканини бутун дунё, жумладан, биз ҳам танамизда ҳис қиляпмиз.

Ҳавосиз бир дақиқа ҳам яшашнинг имкони йўқ. Лекин у нотоза бўлса-чи?

Бу муаммо аҳоли ва техника кўп бўлган пойтахт билан чегараланиб қолгани йўқ. Биз бир пайтлар жаннатмонанд, деб таърифлаганимиз чекка-чекка тоғли ҳудудларга ҳам етиб боряпти.

Барчамиз болалик йилларимизни тез-тез кўмсаб тураемиз. Инсон табиати ўзи тескари. Болаликда тезроқ катта бўлишни орзу қилади, ёши катта бўлгани сари ўша беғубор болаликка интилади. Мен Ургут туманидаги узок тоғли қишлоқда ўсиб-улғайганман.

▶ Давоми 3-бетда



Асра

Абдусайд КЎЧИМОВ

Қатра симобдай титраб, қалқиб турибди дунё,
Мезон сингари идраб, салқиб турибди дунё,
Куйган қуёшдек хира балқиб турибди дунё...
Чанг-тўзонли замонда, нону тузингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Асрий сахро, чўлларда кутурмоқда тошқинлар,
Қариндошдан қондошга қирғинлару босқинлар,
Имога шай турмишлар Ялавочлар — сотқинлар...
Фосиқ дастурхонидан нону тузингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Мустақиллик, озодлик қорбодан совғамас,
Не-не жасур алпарга ғанимлар қилмади қасд,
Эҳ! Бугун ҳам оз эмас тулки мижоз айёр кас...
Нафси олчак, қаллобдан нону тузингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Буюк аждодлариндан мерос эрур бу замин,
Емоғинг шартдир бугун шу юртинг ташвиш-ғамин,
Қолсин десанг то абад ЎЗБЕК деган хур номинг...
Шону рўзингни асра, чақмоқ сўзингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Асрамасанг ўзингни, тузлигингни — тузингни,
Қашқирлар илҳақ — зордир ўймоқ учун кўзингни.
Жаҳон эшитсин десанг, ҳайқиригинг, сўзингни,
Ризқу рўзингни асра, чақмоқ сўзингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Ҳар дамингда аждодлар армони бор, аҳди бор,
Мангуберди, Темурбек, Сарбадорлар жаҳди бор,
Ҳар икки Уйғонинишнинг жаҳонда ўз тахти бор...
Учинчи Ренессанс деб босган изингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Туққан ерда туғинг тик, туққан жойинг чамандир,
Қуш бугага сингангай, саждағоҳинг Ватандир,
Ватандан айрилганга ҳар қадами кафандир...
Кафангадо каслардан элу юртингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Денгизга ҳам осонмас, бардош бермоқ тўфонга,
Ҳатто қуёш ҳам гоҳо йўл бергайдир тўзонга,
Бугун енгил эмасдир Янги Ўзбекистонга...
Янги Ўзбекистонда дашту бўзингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Дарё эмас бир ирмоқ, бир дарахт ўрмон эмас,
Кўклар эмас бир гиёҳ, битта дон хирмон эмас,
Бирлиги йўқ улуснинг қўраги осмон эмас...
Дайди тўда-уордан жанда бўзингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Боғ жамоли — боғбондан. Боғбоннинг бор дарёдил,
Дарёдилли боғбонга дарё бўлиб қўшилгил,
Дарёларга айланиб, уммон каби жўшсин эл...
Боғли диёринг учун қору музингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Фурсат пойлаб турибди, қароқчи кишандорлар,
Ўз қавмини кишанлаб, тўн кийган нишондорлар,
Кўм-кўк далангни бевақт босмасин десанг қорлар...
Бемаҳал ёққан дўлу қишдан кузингни асра,
Ўғил-қизингни асра, асра, ўзингни асра.

Бир вужудга айлансин минг-миллиён жону тан,
Минг-миллиён вужудлар бир жонга бўлсин пайванд,
Қуёш битта, Ой битта, Ойу Қуёшдир ВАТАН...
Кўёшингни, Ойингни қошу кўзингдек асра,
Ўғил-қизингдек асра, асра, ўзингдек асра!

Инсон қадри учун

ХАЛҚИМИЗ УЙҒОҚ БЎЛСА...

“Ўзинг менинг улуғлардан улуғимсан, Ватаним!” деганда, шоир ҳақ гапни айтган. Дарҳақиқат, одам фарзанди учун Ватан бамисоли онадек азиз ва муқаррам. Унинг бағрида кулган баҳор — бизнинг баҳоримиз, Ватан эришган зафар — бизнинг кўчамиздаги байрам. Унинг оламда қозонган обрў-эътибори, мавқеидан ҳар биримизнинг чеҳрамида нур, кўзимиз чакноқ. У бор экан, бошимиз тоғлардай сарбаланд, қаддимиз қоялардай тик. Она Ўзбекистонимиз биз учун шундай тенгсиз, ягона, эъзозли маъво, танҳо қадрият. Ватанга садоқат, она юртга мухаббат ҳисси киши қалбидаги энг бебаҳо туйғуидир. Шоирлар Ватанга садоқат мавзусини оташин мисраларда мадҳ этса, истеъдодли ҳофизлар буни дилбар наво, соҳир овоз билан оламга тараннум этади.

Бу муқаддас сўз замирида қанчалик илоҳий куч-қудрат, маъно, беқиёс давват мужжасам эканини ҳеч ким, ҳеч қачон тўла ифода этолмас керак. Биз киндик қонимиз тўқилган замин, она тупроқ билан фахрланамиз, эъзозлашимиз. Унинг номини эшитган заҳоти қалбимиз тўқилнади, бир олам ғурурга тўлади. Дунёда ўзбекистонликман деган ҳар бир инсоннинг асл ватани шу азиз тупроқдир. Бу муқаддас заминда улуг бобокалонларимиз хоки ётибди. Қалбларда “Ватанин севмоқ — йимонданқидир” деган ҳикмат муҳрланиб қолган. Унинг муқаддаслиги ана шу ҳолда намоён бўлади. Инсон учун юрак нечоғлиқ зарур ва азиз бўлса, Ватан ундан-да зарур ва азизроқдир.

изланишларида самарасини намоён этмоқда. Аммо ушбу ютуқлар осонликча қўлга киритилмади. Мамлакатимизнинг турли соҳаларда эришган ютуқларини кўрсам, беҳиётёр мустақилликнинг дастлабки йиллари кўз олдимдан ўтади. Гўё энди ҳамма нарса бирдан ўзгариб кетадигандай одамлар хурсанд бўлганди. Кўпчилик ҳатто турли клублар ташкил этиб, мустақил давлат қандай бўлиши кераклиги ҳақида баҳслар бўлганди. Ҳақиқатан, иттифоқнинг пароканда бўлиши туфайли барча алоқалар узилган, мамлакатда очарчилик бўлиши эҳтимоли мавжуд эди. Ўзбекистон асосан, пахта етиштиришга ихтисослаштирилган боис, ғалла фақат чорва молларига озубабоп экан сифатида эжиларди. Етиштирилган ғаллани ҳам айрим кўзи оч одамлар аҳоли бизнесидан ҳам абор бўлган кўшини республикаларга яширинча чиқариб сотиб келарди. Эсимизда, оиладаги ҳар бир киши учун бир ойга 3 килодан ун сотилиши йўлга қўйилди. Бу кунига 100 граммдан дегани. Бир неча йил шундай яшадик. Одамлар ўша пайтда ҳам ҳокимиятларга арз билан келарди. Улар бугунгидай чироқ ўчапти, газ босими паст, йўлимиз ёмон

дейишмасди. Бизга ун беринг, ўн нафар фарзандим нон сўрапти, дейишарди. Бугун бу гаплар ҳозирги ёшлар учун эртак бўлиб туолиши мумкин, аммо бу ҳақиқат, тарихни ўзгартириш, ёлгон гапларни айтиш, ёшиз гумроҳликдир! Бир кунни вилоят ҳокими ўзгарибди, деган гапни эшитган одамлар ичида қўл силтаб қўйди. “Қозонда бори чўмичга чиқади. Ҳоким ўзгаргани билан омборда ун бўлмагандан кейин, осмондан тушмайди-ку!”. Кўча-кўйда вилоятда бўлаётган ўзгаришлар ҳақидаги муҳокама-ларда шундай гаплар айтиларди. Аммо вилоятнинг янги раҳбари орадан ўн кун ўтиб, барча фуқаролар йиғинлари раисларини вилоят ҳокимлигига таклиф қилди.

Шу куннинг ўзида барча фуқаролар йиғинлари раисларига аҳоли учун ун, ўсимлик ёғи, шакар берилди. Берилганда ҳам икки ҳиссадан берилди. Раисларга саккиз нафардан ошдиқ фарзанди бор оила-ларга бир қопдан ун беришни ҳокимнинг шахсан ўзи тайинлади. Ўша кунги халқ қувончини тасвирлаш қийин. “Бу неъматлар қаёқдан келди?” деб ҳеч ким сўрамади. Доим халқидан яшириниб юрган маҳалла раислари ёруғ юз билан одамларга барака улашди. Ун, ёғ ва шакар олганлар эса уйига шошилди. Бир аёлнинг маҳалла раисидан: — Бу ун, ёғ ва шакари қаердан олиб келдингиз? — деб сўрагани ҳамон ёдимда...



Мустақилликни қўлга киритганимиздан буён қанча қийинчиликлар кўрган бўлсак ҳам йиллар ўтган сари унинг қадр-қиммати, моҳиятини теран англаб бораёмиз. Миллий истиқлол бамисоли сеҳрли мўъжиза янглиг бекилиб қолган булоқлар кўз очиб, минг-минглаб ташна инсонларга обиҳаёт ата этганидек, юртимиз одамларининг ҳам юзларига қувонч ва эиё бағишлаб, уларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида жавлон уришлари, ўз истеъдоду қобилиятини тўла-тўқис намоён этиши учун кенг уфқлар очиб берди. Дарҳақиқат, голибона босиб ўтилган мустақилликдан кейинги йўлга назар солсак, дастлабки қийинчиликларни мардонавор енгиб, ижобий ўзгаришлар сари далил қадам ташлаётганимиз яққол кўзга ташланади. Миллий истиқлол шарофати туфайли ўзлигини таниб, қадр-қимматини топиб, қад ростлаётган, ўзига хос тараққиёт ва юксалиш йўлини белгилаб, истиқболнинг ёрқин уфқлари сари музаффар одимлар ташлаётган Ўзбекистонимизнинг жаҳон узра эъзозу эътибор, шону шуҳратга сазовор бўлиб бораётгани бунинг исботидир. Айниқса, кейинги етти йилда ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимиз тубдан

ўзгариб кетди. Инсон қадри олий қадриятга айланди. Давлатимиз раҳбарининг “Одамлар эртага ёки узоқ келажакда эмас, бутун бахтли яшаш керак” деган шiori сиёсатимизнинг устувор йўналишига айланди. Ушбу ислохотлар самараси халқимиз турмуш тарзида яққол намоён бўлмоқда. Энг муҳими, юртдошларимизнинг эртага бундан-да фаровон ҳаёт учун ишончи ортиб, юксак мақсадлар сари ҳаракат қилмоқда. Тўғри, ҳали ечимини кутаётган муаммолар бундан-да кўп, аммо давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳеч ким четдан келиб, муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди. Бугун бутун дунёда оғир ва мураккаб вазият ҳукм сурмоқда. Бу биздан янада сиёсий ҳушёр, чин ватанпарвар бўлишни тақозо этади. Халқ таъбири билан айтганда, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, албатта, кўзлаган мақсадларимизга етамиз. Зеро, қачонки халқимиз уйғоқ бўлса, тинчлик, тараққиёт, ободлик бардавом бўлиб, азиз Ватанимизга ҳеч ким даҳл қилишга ботинолмайди.

Асад МУСТАФОЕВ, журналист

Ватанимиз мустақиллиги Яратганнинг халқимизга буюк инъоми. Мана, 33 йилдирки, она юртимиз бағрида мазмуни ва кўлами асрларга қиёс қилгулик улугвор, ҳайратомуз ўзгаришлар, салмоқли ижтимоий силжишлар юз бермоқда, халқимизнинг турмуш тарзи, маънавий қиёфаси бойиб, сифат жиҳатидан ўзгариб, камалакдек янги жилалар кашф этиб бормоқда.

Раислар Шавкат Мирзиёевни шу ерда кўрди. У ҳар бир раис билан суҳбатлашиб, қанча аҳолиси борлигини сўраб-суриштирди, ижтимоий вазиятни ўрганди.

Ўша кунни минг-минглаб одамлар давлатимиз раҳбарини дуо қилди. Тоғнинг юксаклиги, маҳобати узокдан яхши кўринади, дейишарди.

Логистика

Транспорт коридорлари:

ҲАММАГА БИРДЕК ФОЙДА КЕЛТИРАДИГАН ТАШАББУС

Дунё давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтакавий интеграциялашувда халқаро транспорт йўлаклари муҳим аҳамиятга эга. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Ислон ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасидаги юк ташиш ҳажми ортиши фонида бундай коридорлар, жумладан, мультимодал йўлақлар яратиш анчагина жаддалашган. Айни жараён Ўзбекистонга ҳам янгидан янги имкониятлар эшикларини очмоқда.

мультимодал транспорт йўлақларини яратиш давлатлар ўртасида алоқаларни янада кучайтиришга хизмат қилади. Кўшини Афғонистонда тинчликни қўллаб-қувватлаш ҳамда бу ҳудуд орқали денгиз портларига чиқиш масаласи Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келиши билан ўртага чиққанди. Давлатимиз раҳбари халқаро минбарлардан туриб Афғонистонда тинчликни таъминлаш, мамлакатини минтақанинг иқтисодий жараёнларига жалб этишга доир таклифларини мунтазам равишда илгари суриб келади. Термиздаги йиғилишда Беларусь — Россия — Қозоғистон — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон мультимодал транспорт коридори бўйлаб юк ташишни ривожлантириш бўйича муаммоларга ечимлар биргаликда изланди. Олти давлатнинг Транспорт вазирлиги масъуллари, халқаро юк ташувларини амалга оширадиган уюшмалар раҳбарлари, логистика компаниялари вакилларини бир манзилда жамлаган учрашувда транзит жараёнида ҳудудларнинг темир йўл, транспорт ва сув йўли имкониятлари аниқланди. Ташувларни қай тартибда амалга ошириш чоралари муҳокама этилди. — Бизда Шимол-Жануб коридори ҳам бор. У Ҳиндистонга етиб боради. Беларусь — Россия — Қозоғистон — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон мультимодал транспорт коридори бўйлаб юк ташиши муҳим коридор. Нафақат бизга, балки ҳамкор давлатларга ҳам янги муқобил йўналишлар кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Россия ва Беларусь Транспорт вазирликлари масъуллари ҳам махсулотни тезроқ ва хавфсиз етказиб бериш коридорига эҳтиёж борлигини, қисқа ва

қулай эканини билдирди. Афғонистон ва Покистон учун эса бу коридорнинг ишга тушиши кўшимча иш ўринлари яратади. Мамлакатлар транспорт инфратузилмаси янада яхшиланишига хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг биринчи ўринбосари Маманбий Омаров. 2018 йилдан буён Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон йўналишида темир йўл қурилиши борасида изчил ишлар давом этмоқда. Коридорнинг муваффақиятида мазкур йўл ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Беларусь — Россия — Қозоғистон — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон мультимодал транспорт коридори эса бу борада янги имкониятлар яратади. Сурхондарёдаги йиғилишда давлатлар вакиллари “Термиз халқаро савдо маркази” эркин савдо иқтисодий зонасида тадбиркорлар учун яратилган қулайлик ва шарт-шароитлар ҳамда “Termiz Cargo” халқаро логистика маркази фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар. Амударё қирғоғидаги “Термиз халқаро савдо маркази” эркин иқтисодий зонасида амалга оширилётган лойиҳалар, яратилаётган қулайлик ва имкониятлар тақдирот қилинди. Умумий майдони 26 гектарни ташкил этадиган бу мажмуада 3 миндан ортиқ савдо нуқтасидан иборат 4 та савдо комплекси, ҳар бири 300 ўринли меҳмонхона ва хостел, қуввати 500 минг тоннага тенг бўлган логистика маркази, ресторан, тиббий диагностика ва соғломлаштириш маркази бор.

— Йўлга қўйилиши кўзда тутилаётган ушбу йўналиш нафақат Афғонистон, балки Беларусь, Қозоғистон ва Ўзбекистон учун ҳам муҳим, деб ўйлайман. Ўзбекистон мамлакатимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлиги учун энг кўп ҳаракат қилган яхши кўшини давлат. Шу билан бирга, Афғонистоннинг иқтисодий юксалиши учун ҳам имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Ўзбекистонда бизнесимни янада кенгайтириш ниятим бор, чунки бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Афғонистон мева-сабзавотчилик уюшмаси раиси Ҳожи Нишобат Хайдарий. У хайрли, истиқболли ташаббуслар ўзи сингари кўплаб афғонистонлик ва покистонлик тадбиркорларга кенг имкониятлар тақдим этишини таъкидлади. — Давлатларнинг транспорт йўналиши масъуллари учрашуви якуни бўйича томонлар ўртасида “йўл харитаси” имзоланди. Мазкур “йўл харитаси”да юк ташувларини ривожлантириш бўйича аниқ режаларни амалга ошириш белгилаб олинди. Хусусан, юк таҳлилларини юретиш, ташув жараёнида электрон рақамли ҳужжатлардан фойдаланиш, ташув жараёнларини соддалаштириш билан транзит юк ташувларини ошириш кўзда тутилган, — дейди Ўзбекистон Транспорт вазирлиги хузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази директори Бекзод Холматов. — 5 та давлат транспорт идоралари раҳбарлари ва хусусий сектор вакиллари иштирокида ўтказилган учрашувлар якуни бўйича тез кунларда яна ишчи гуруҳнинг амалий ўрганишлари ташкил этилади. Ҳар томонлама манфаатли бу ташаббуснинг бошида турган Ўзбекистон томонидан, айниқса,

лойиҳани янада тезлаштириш мақсадида жиддий амалий ҳаракатларга киришилмоқда. Хўш, ушбу савдо коридори Ўзбекистонга нима беради? Мутахасссларнинг айтишича, бу, биринчи навбатда, савдонини молиялаштиришга йўл очади. Логистика жиҳатдан ҳам йўлақдаги ҳамма давлатларга қатор қўлайликлар яратади. Бундай йўлақлар тез бузиладиган товарларни ўз вақтида етказиш транспорт харажатларини камайтиради. Бир сўз билан айтганда, махсулотни тезроқ, сифатлироқ ва энг асосийси, арзонроқ етказиш имконини берувчи бу лойиҳа мамлакатларимиз тадбиркорлари учун ҳам ҳар томонлама фойдали. Сурхондарёда айни йўналишда янгидан янги лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Масалан, ўрик, гилос, шафтоли, узум каби мевалар вилоятда энг биринчи узилади. Термиз туманининг Халқобод маҳалласида 58 гектар ерда эртапишар ўрик етиштирилади. Шу кунларда Туркия, Италия ва Греция каби давлатлардан келтирилган ўрик ҳосили пишиб етилди. Ўрик қулиқ териб олинди, Россияга экспорт қилинмоқда ҳамда маҳаллий аҳоли истеъмоли учун ички бозорларга чиқариламоқда. Турк инвесторларини сармояс асосида барпо этилган мазкур 103 гектарли интенсив боғнинг 52 гектариди эртапишар ўрик парвариш қилинмоқда. Бундан ташқари, яна 5 гектар майдонга серхосил ўрик кўчатчи очиб бермоқда. Ўзбекистонда бизнесимни янада кенгайтириш ниятим бор, чунки бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Афғонистон мева-сабзавотчилик уюшмаси раиси Ҳожи Нишобат Хайдарий. У хайрли, истиқболли ташаббуслар ўзи сингари кўплаб афғонистонлик ва покистонлик тадбиркорларга кенг имкониятлар тақдим этишини таъкидлади. — Давлатларнинг транспорт йўналиши масъуллари учрашуви якуни бўйича томонлар ўртасида “йўл харитаси” имзоланди. Мазкур “йўл харитаси”да юк ташувларини ривожлантириш бўйича аниқ режаларни амалга ошириш белгилаб олинди. Хусусан, юк таҳлилларини юретиш, ташув жараёнида электрон рақамли ҳужжатлардан фойдаланиш, ташув жараёнларини соддалаштириш билан транзит юк ташувларини ошириш кўзда тутилган, — дейди Туркиялик тадбиркор Мурод Четин. Ҳозир барқарор ривожланаётган давлатларга нафақат бутунни, балки келажакнинг ҳам олдиндан кўра олиш талаби қўйилмоқда. Айни жараёнларни теран англаган Ўзбекистон аллақачон келажакнинг мустаҳкам асосларини бунёд этаётди. Муҳими шу.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



“Ўзбекистон – 2030” стратегияси

Кўксинг тўлиб, тўйиб нафас ол

Табиатни асраш, ресурсларни тежаш – бурчимиз



Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Қишлоқда ўтган болаликнинг гашти ўзгача бўлади. Соиларидан шарқираб оқётган зилот сув, яйловда юрган қўй-қўзилар, кўм-кўк кенг адиру ялангликлар, бог-роғлар, барчаси энди худдики бир ширин тушдек.

Биз бир пайтлар бўшқинликнинг майин майсага қўйганча бошимиз билан эгилиб тип-тиник булоқ суви ичардик. Ҳозир ўша булоқ бошларига бораман. Афсуски, уларнинг 20 дан ортиги қуриб қолибди. Атрофи олдингидай обод эмас. Қуриган, қовжираган майсалар. Сув бўлмаган жойда ободлик қайда.

Нега бундай бўлди, дейсизми? Чунки иқлим ўзгариши, ҳавонинг меъёрдан ортиқ исishi ва ифлосланиши бугун қишлоқларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Табиатга бепасанд муносабатимиз, дов-дархатларни аёвсиз қирганимиз, сувни тежашни билмаганимиз оқибати бу.

Кейинги йилларда аҳоли сони ўсиши, фан ва техника тараққиёти, инсон эҳтиёжлари ортиши оқибатида ер юзиде қатор экологик муаммолар юзга келди. Шу боис, бугунги кунда соф табиат ҳақида гап юритиш мушкул. Ўрмонлар кўпайиш ўрнига тобора қисқариб бормоқда, катта-катта табиий ҳудудлар деҳқончилик мақсадида ўзлаштирилди, табиат ва ҳаво ҳар хил чиқинди ҳамда газлар ҳисобига ифлосланипти. Бундан ташқари, тошқинлар, ўрмон ёнғинлари, чанг бўронлари ва бошқа табиий жараёнлар юз бермоқда. Буларнинг барчаси табиат мувозанатига путур етказяпти.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясида, турли халқаро тадбирларда жаҳон ҳамжамияти эътиборини экологик вазият билан боғлиқ муаммоларга қаратмоқда, уларни бартараф этиш, салбий оқибатларини юмшатиш ёки олдини олишга қаратилган ташаббусларни илғари сурмоқда. Шунга мос равишда юртимизда агроф-муҳитни

қилди. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг агроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланди. Мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш бўйича махсус резолюцияси қабул қилинди.

Шулар доирасида аҳолининг қулай табиий муҳитга эга бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, юзга келатган экологик муаммоларнинг олдини олиш, салбий оқибатларини бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Шу ўринда, модомики, хавф даражаси юқори, айниқса, сув таъминоти кундалик турмушимизнинг муҳим зарурати — озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий муаммо туғдириши тайин экан, бу борада режаларимиз қандай, масалага тизимли ва комплекс ёндашувимиз қанақа, деган саволларни ўртага олиб чиқади. Эътиборли жиҳати, бу борада пухта ўйланган режа асосида кейинги қадамларни ҳам ташладик. Ана шундай муҳим дастурларимиздан бири “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидир.

Стратегиянинг 3-йўналиши сув ресурсларини тежаш ва агроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини қамраб олган. Хўж-жатда юртимизда сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ва сув ишлаши самардорлигини ошириш борасида қатор устувор вазифалар белгиланган муаммонинг салбий таъсирини камайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Жумладан, унда сув ишлаши самардорлигини 25 фоиз ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 миллион гектаргача, шу жумладан, томчилаб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш вазифаси белгиланган.



300 минг гектарга етказилади, барча ичимлик сув истеъмолчиларига ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари жадаллаштирилади.

Сув ресурсларини тежаш борасидаги ислохотлар доирасида сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, суғориш тизими ва сув тежовчи технологияларни ривожлантириш кўзда тутилган. Шунингдек, ободонлаштириш мақсадида фойдаланиладиган сув ўтказгичларга алоҳида ҳисоблагичлар ўрнатилади, тармоқ масуулларининг жавобгарлиги оширилади, саноат корхоналарида оқова сувни

Испания ва Хитойнинг муваффақиятли тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, хорижий мутахассисларни жалб қилиш ва замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Иккинчи босқич 2024 йилдан 2030 йилгача, йилга аграр соҳанинг 10 минг вакилини ўқитишни ўз ичига олади. Шу ўринда савол туғилади: стратегияда белгиланган вазифаларни ҳаётга тағбиқ этиш жараёни қандай кечмоқда?

— Белгиланган вазифалар доирасида биргина жорий йилнинг ўзида мамлакатимизда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган доривор ўсимликлар маданий плантациялари майдони 25 минг гектарга етказилади, — дейди Экология, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бўлим бошлиғи Абдурашид Содиқов. — Бундай майдонларни кенгайтиришдан асосий мақсад ҳозирги экологик инқироз шароитида камайиб кетаётган, табиий муҳитдан олинаётган доривор ўсимликларимизни сақлаш ва улардан самарали фойдаланишдан иборат.

Стратегияда қаровсиз ҳайвонларни идентификациялаш ва вакцинациялаш тизимини жорий қилиш, уларни сақлаш билан шуғулланувчи 14 та питомник фаолиятини йўлга қўйиш ҳам белгиланган. Бу бўйича юртимизда катта муаммо мавжуд. Айни пайтда бу йўналишда вазирлик томонидан қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлик Маҳкамасига киритилди.

Яна савол туғилиши мумкин, қаровсиз ҳайвонларни сақлашга мўлжалланган питомниклар ташкил этиш агроф-муҳит муҳофазасига қанчалик таъсир кўрсатади?

2022 йилдаги ўрганишлар давомида 2 миллион 615 мингга ит ва 58 мингга мушук юкүмли касалликларга қарши вакцинация қилинган.

Шунингдек, жорий йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда қаровсиз қолган ёки уйда сақланаётган итлар тиш-лашдан муржааг қилган фуқаролар сони ўрганилди. Унга кўра, 2022 йилда бундай муржааглар сони 170 мингташ ташкил этган бўлса, ўтган йилда қарий икки баробар камайди.

Ҳозирги пайтда ҳудудларда замонавий, хориж тажрибасини ўрганган ҳолда питом-

Мутахассислар маълумотиға кўра, атмосфераға йилға 2,2 миллион тоннаға яқин зарарли ташланма чиқарилади. Уларнинг 9 минг тоннаға яқини саноат корхоналари, 2,1 миллион тоннадан ортиғи эса транспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади.

ниқлар ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган. Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан Тошкент вилоятида барча талабларга жавоб берадиган иккита питомник ташкил этилган. Жорий йил 12-17 февраль кунлари Самарқандда Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвучи турларини сақлаш тўғрисидаги конвенция (CMS COP14) иштирокчилари конференциясининг 14-йигилиши бўлиб ўтди. Анжуманда кўтарилган масалалар қаторида Марказий Осиёда трансгегаравий табиий парклар яратиш ҳам муҳокама этилди. Ушбу ташаббус қор қоплони, сайғоқ, морхўр, Бухоро тоғ қўйи ва кўчиб юрвучи бошқа кўплаб ёввойи ҳайвонларни асраб қолишда жуда муҳимдир.

Конференцияда минтақамиз давлатларида нафақат ноёб ҳайвонларни асраб қолиш, балки йўқолиб кетган тур-



ларни тиклаш масаласида олиб бориладиган ишлар ҳам муҳокама этилди. Президентимизнинг тадбир иштирокчиларига йўллаган муржаагиде Устурт платоси кенгликлариде ашаган ва инсон омилли таъсирида йўқолиб кетган Осиё қоплони популяциясини қайта иқлимлаштириш бошланиши маълум қилинди.

Бу масала шуниси билан муҳимки, йўқолиб кетган турга тегишли ҳайвонлар бошқа минтақадан келтирилиб, шунчаки иқлимга мослаштирилмайди, балки унга мос озуқа занжирини яратиш бўйича ҳам кўплаб ишлар қилинади. Бу эса экотизим барқарорлаштиришга олиб келади.

Стратегияда белгиланган муҳим вазифалардан яна бири юқори самардорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ва локал сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ҳамда мавжудларини модернизация қилиш, 14 та экологик тоза ҳудуд режимини жорий қилишдир.

Мутахассислар маълумотиға кўра, атмосфераға йилға 2,2 миллион тоннаға яқин зарарли ташланма чиқарилади. Уларнинг 9 минг тоннаға яқини саноат корхоналари, 2,1 миллион тоннадан ортиғи эса транспорт воситалари ҳиссасига тўғри келади.

— Жорий йилда иқтисодиёт тармоқларидан атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли ташламалар миқдорини бир ярим фоиз қисқартириш белгиланган, — дейди Экология, агроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги маъсул ходими Нозим Носиров. — Бунга эришиш учун 122 та саноат корхонасида чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш ҳамда мавжудларини модернизация қилиш орқали уларнинг иш самардорлигини 95 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Янги ташкил этилаётганларида эса бу турдаги ускуналарнинг тозалаш самардорлиги 99,5 фоиз бўлиш талаби белгиланмоқда.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши табиий ва антропоген омиллар таъсирида бўлади. Яъни антропоген омиллар таъсири

саноат корхоналари ва транспорт воситалари ҳиссасига тўғри келатган бўлса, табиий омил кучли шамол таъсирида майда кум заррачалари атмосфераға кўтарилиши натижа-сида юзга келмоқда. Ўтган икки йил давомида Тошкент шаҳри ҳавосининг кескин ифлосланишига сабаб бўлган омиллардан бири ҳам ана шу ташаббул жараён билан боғлиқ. Кучли шамол тудайли кум заррачалари атмосфераға кўтарилиши билан бирга, транспорт воситаларидан чиқатган зарарли ташламалар ортиши ҳам атмосферанинг кескин ифлосланишига олиб келмоқда.

Вазирлик томонидан транспорт воситаларидан чиқатган зарарли ташламалар миқдорини камайтириш мақсадида йилға икки марта “Тоза ҳаво” ойлиги ўтказилмоқда. Биргина ўтган йили тадбир доирасида 300 мингга яқин транспорт воситаси техник

Мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш бўйича махсус резолюцияси қабул қилинди.

локал тозалаш иншоотлари билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Сув хўжалиги соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мақсадда сув истеъмоли ҳисобини юритишда “Smart Water” (“Ақли сув”) чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади ва сув хўжалиги объектларида сув ҳисобини реал вақт режимда кузатиш имконини берувчи қурилмалар ўрнатилади.

Сувни тежайдиган суғориш технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича “Сувнилар мактаби”нинг 2-босқичига старт берилди. Биринчи босқичда фермер хўжаликларининг 61 мингдан ортиқ раҳбар ва ишчиси қисқа муддатли ўқув курсларида билим ва тажриба орттирди. Лойиҳа Туркия,



муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, ичимлик сувни тежаш борасида қатор ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳаётга амалда қилинмоқда.

Бугун ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф туғдирмоқда, деган эди Президентимиз.

Ҳозирги глобаллашув жараёнидаги иқтисодий тараққиёт, ижтимоий ривожланиш агроф-муҳит муҳофазасида мураккаб вазиятларни пайдо қилмоқда. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, ҳар йили 7 миллион гектарга яқин унумдор ер жаҳон қишлоқ хўжалиги айланмасидан чиқиб кетмоқда, 7 миллион киши ҳаво ифлосланиши таъсиридан вафот этмоқда. 2025 йилга бориб эса дунё аҳолисининг ярмидан кўпи сифатли сувдан фойдалана олмай қолиш прогнозлари ҳам йўқ эмас.

Қайд этиш керак, кейинги йилларда мамлакатимизда қабул қилинаётган, аниқ мақсад ва вазифаларни ўзида жамлаган фармон ва қарорлар, тасдиқланган дастурлар ижроси доирасида кўрилган чора-тадбирлар ижобий самара бермоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилди, Ўзбекистон Париж битимини ратификация

Яна бир муҳим жиҳат: тупроқ қопламали каналларни бетон қопламага ҳамда ички суғориш тармоқларини ёпиқ қувурли суғориш тизимларига ўтказиш бўйича етти йиллик дастур доирасида иригиация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти кўрсаткичи 0,73 гача етказилади. Шу билан бирга, каналларни реконструкция қилишга бюджетдан 500 миллиард сўм ажратилиб, камиде 1,5 минг километр йирик каналларни бетонлаш аяқунлади.

Узоқ муддатта мўлжалланган сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш ва унинг устидан доимий мониторинг ўрнатиш тизими жорий қилинади.

Шунингдек, сувни қайта ишлаш, етказиш ва тақсимлаш тизимига хусусий сектор жалб этилади, далаларга сув берадиган объектлар тадбиркорлар (фермер хўжаликлари ва кластерлар) бошқарувиға берилди. Қўшни давлатлар билан сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш, трансгегаравий сув ресурслари ва давлатлараро сув хўжалиги объектларидан биргаликда фойдаланиш масалаларида икки тарафлама манфаатли фаол ҳамкорлик давом эттирилади. Сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг йиллик қуввати

Президент ташрифидан сўнг

ИНСТИТУТ ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШЛАДИ

маҳаллий маҳсулот аҳоли хонадонларига ўрнатиб берилади



Алишер УСМОНҚУЛОВ,
техника фанлари доктори,
профессор

Бугун инсоният глобал экологик муаммолар, табиий манбалар тақчиллиги қаршисида турибди. Сув, ёқилғи-энергетика захираси йил сайин камайиб, уларга бўлган талаб эса, аксинча, ортиб бормоқда. Мутахассислар бунинг оқибатларини “яшил иқтисодиёт”га ўтиш орқалигина бартараф этиш мумкинлигини таъкидлаётгани бежиз эмас. Чунки сайёрамизда қайта тикланмайдиган манбаларнинг муқобил шакллари яратиш, улардан кенг ва самарали фойдаланиш даври келди. Экологик тоза ва ресурстежамкор технологияларни жорий этишга эса замонавий тараққиёт, илғор изланиш ҳамда илмий ихтиролар кенг йўл очмоқда.

асосидаги қуёш панеллари ишлаб чиқариш вази фаси топирилган эди. Давлатимиз раҳбарининг вилоятга жорий йил 8-9 апрель кунлари навбатдаги ташрифи давомида эса янги марказлар фаолиятига старт берилди ва дастлабки маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши бошланди. 9 апрель кунли олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўниратбой Шарипов янги очилган марказларда бўлиб, амалга оширилган ишлар билан танишди.

Ҳозир нафақат тайёр маҳсулот, балки хомашёни маҳаллийлаштириш бўйича ҳам ишлар олиб борилади.

Илмий-амалий марказда иш икки сменада ташкил этилган. Корхона жами 100 киловатт-ли 200 донадан ортиқ қуёш панеллари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда 54 талаба учун янги иш ўрни яратилди. Қуёш панелларини истеъмолчиларга ўрнатиб бериш хизмати ҳам мавжуд. Бунинг учун профессор-ўқитувчи ва талабалардан иборат махсус ишчи гуруҳлар ташкил этилган.

Марказ ходимлари ва институтнинг Энергетика кафедраси профессор-ўқитувчилари Европа Иттифоқи “ERASMUS+” фондининг таълимда салоҳиятини ошириш дастури доирасидаги грант лойиҳасини ютиб олди. Ушбу “Ўзбекистонда қуёш энергияси бўйича бакалаврлар учун мақсадли ўқув дастурини ишлаб чиқиш” лойиҳасини амалга ошириш муддати 2024-2026 йилларга мўлжалланган бўлиб, янги форматдаги ўқув-илмий лабораториялар дастурларини яратиш белгиланган.

Кадрлар тайёрлаш занжири

Талабалар ўрганганларини амалиётда синаб кўриши албатта, фойдали. Бу унинг билимини мустаҳкамлаб, тажрибада ўз кўзи билан кўриши, иш жараёнида тобланиб боришида

Хомашё ҳам ўзимизда тайёрланади

Институтда “Муқобил энергияларни тадқиқ этиш илмий-амалий маркази” ишга туширилиши энергетика муаммоларини тадқиқ этиш, соҳадаги ишларни амалиётга йўналтириш, муқобил энергия ва энергия тежамкорлигини тарғиб этиш борасида катта қадам бўлди. Айниқса, ўз номи билан таълим ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштириётган бу марказ айтиш шу соҳада малакали кадрлар тайёрлашга кенг йўл очди. Юртимизда муқобил энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Марказни ўз вақтида ва сифатли ишга тушириш учун Хитойдан зарур ускуналар кел-



тирилиб, ўрнатилди ва янги инфратузилма билан таъминланди. Қисқа вақтда маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳам старт берилди. Тайёр маҳсулотлар тегишли тартибда тесдан ўтказилиб, Вазирлар Мақамаси хузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан мувофиқлик лицензияси олинди.

жуда муҳим. Одатда, талабалар ўқиш даврида ишлашни истамайди, бор эътиборини билим олишга қаратади. Бу бир томондан яхши, ammo амалиёт ҳам зарурлигини унутмаслик керак. Шу боис, юртимиз олий таълим муассасаларида илм-фан ва амалиёт интеграциясига катта эътибор қаратилади. Университетнинг ўзида



ҳам ўқиб, ҳам амалиёт ўтаб ҳатто ишли бўлиш йиғит-қизлар учун қулай шaroитдир.

Жиззах политехника институтида иш бошлагани “Жиззах ёшлар технопарки”да ҳам шундай муҳит яратилган. Янги форматдаги ўқув, илмий ва ишлаб чиқариш зонаси, ёшларнинг гоёларини амалиётга жорий этиш трансфери, акцелерация марказлари, виртуал лабораториялар, муҳандислик таълими курслари энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

Технопаркда ёшлар замонавий касбларни ўрганиб, фаолиятга киришишлари мумкин. Масалан, янги очилган “Интеллектуал транспорт тизимлари ва мехатроника” илғор муҳандислик мактабида интеллектуал транспорт тизимларини маҳаллий шaroитда қўллашнинг синергетик жараёнлар асосидаги янги ёндашуви йўлга қўйилган. Муҳандислик мактаби Европа Иттифоқининг халқаро “ERASMUS+” дастури доирасидаги йирик лойиҳа маҳсулидир. Бу ердан замонавий муҳандислар етишиб чиқади. Шунинг учун мазкур илмий-тадқиқот маркази энг сўнгги русумдаги лаборатория ускуналари билан таъминланган.

Талабалар нафақат олий ўқув юрти биносидан, балки вилоятдаги турли корхоналарда ҳам амалиёт ўташ имкониятига эга. Бунинг учун оқиллаштириш ва механика тизимлари, электроника ва микропроцессор технологияси, информатика ва компютерни бошқариш соҳасидаги билимларга асосланган, турли ҳаракатларни компютер бошқарадиган машина ва тизимларини яратиш ҳамда ишлатиш каби масалалар ечилади.

Ушбу марказда автомобилсозлик sanoati ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари малакаси ҳам оширилмоқда. Қолаверса, институтимизнинг 4 та интеллектуал транспорт тизими, машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш, транспорт воситаларини муҳандислиги, автомобилсозлик ва тракторсозлик, замонавий муҳандислик таълим йўналишлари бўйича йилига 120 дан ортиқ ёш мутахассиснинг стартга лойиҳалари акцелерациядан ўтказилиши ҳисобига, ўз ўзини банд қилиш механизми яратилди.

Иккинчидан, “BYD factory Uzbekistan” қўшма корхонасида янги ишга қабул қилинган ходимлар замонавий муҳандислик дастурлари ёрдамида ўқитилади. Бунда корхона талабаларидан келиб чиқиб, ҳамкорликда белгиланган дастурий пакетлар ёрдамида мақсадли малака ошириш дастури йўлга қўйилган. Бугунги

юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган. Заводда 30 та робот бор, ишлаб чиқариш жараёни 33 фоз автоматлаштирилган. Автомобилнинг юриш қисмлари созливини, статик ва динамик тормоз тизимини текшириш жиҳозлари ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига ташрифи давомида ушбу корхонада ҳам бўлиб, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, юртимиз sanoat корхоналари билан кооперацияни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Умуман, корхонада йилига 100 мингта энгил автомобиль ишлаб чиқариш қуввати яратилади. Натижада келгусида иш ўринлари сони 3 мингта етказилиши кўзда тутилган.

Институтимизнинг ана шундай корхоналар билан фаолият малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу Жиззах вилоятида автомобилсозлик sanoatини янада ривожлантириш, малакали муҳандислар мактабини яратиш ва фан-таълим интеграцияси узвийлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис, “BYD factory Uzbekistan” қўшма корхонаси билан ҳам аниқлаш мемурандуми имзоланди. Мемурандум режасидан иккита асосий вазифа ўрин олган. Биринчидан, мехатроника ва робототехника илмий маркази ташкил этилиб, янги форматда фаолият олиб бормоқда. Бунда роботлаштириш ва механика тизимлари, электроника ва микропроцессор технологияси, информатика ва компютерни бошқариш соҳасидаги билимларга асосланган, турли ҳаракатларни компютер бошқарадиган машина ва тизимларини яратиш ҳамда ишлатиш каби масалалар ечилади.

Ушбу марказда автомобилсозлик sanoati ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари малакаси ҳам оширилмоқда. Қолаверса, институтимизнинг 4 та интеллектуал транспорт тизими, машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш, транспорт воситаларини муҳандислиги, автомобилсозлик ва тракторсозлик, замонавий муҳандислик таълим йўналишлари бўйича йилига 120 дан ортиқ ёш мутахассиснинг стартга лойиҳалари акцелерациядан ўтказилиши ҳисобига, ўз ўзини банд қилиш механизми яратилди.

Иккинчидан, “BYD factory Uzbekistan” қўшма корхонасида янги ишга қабул қилинган ходимлар замонавий муҳандислик дастурлари ёрдамида ўқитилади. Бунда корхона талабаларидан келиб чиқиб, ҳамкорликда белгиланган дастурий пакетлар ёрдамида мақсадли малака ошириш дастури йўлга қўйилган. Бугунги

кунда айнан ушбу заводда институтимиз Транспорт факультети битирувчиларининг 50 дан ортиги иш билан таъминланди.

Ҳам амалиёт, ҳам даромад

Юртимиз иқтисодий ривожланиб, аҳолининг яшаш шaroити олган сари транспорт воситаларига талаб ўсиб бораётгани сир эмас. Бу, айниқса, марказий кўчаларда узундан узун тирбандликлар, жамоат транспортга бўлган талаб, автомобиллардан экологияга чиқаётган захарли газлар миқдори ошишига олиб келяпти.

Жиззах политехника институтида ташкил этилган Шаҳар транспорт тизимини режалаштириш маркази фаолияти ана шундай транспорт муаммоларини тадқиқ этиш ва унга илмий ечим топишга қаратилган. Марказ илмий жамоаси 2021 йилда Россия Федерациясининг “Симетра” компанияси билан ҳамкорликда “Самарқанд шаҳар транспорт агломерацияси учун йўловчилар оқимини ўрганиш” лойиҳасини амалга ошириб, қарийб 500 миллион сўмлик инвестиция маблағларини жалб қилган эди. Ҳозирги кунда эса, илмий жамоа Жиззах шаҳар жамоат транспортини ривожлантириш бўйича лойиҳани амалга оширмоқда. Жами 450 миллион сўмлик инвестиция жалб қилиниши режалаштирилган ушбу лойиҳада институтнинг 20 нафар талаба ёшлари қатнашапти.

Кейинги йиллар Жиззах вилояти қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида “драйвер” ҳудудга айланди. Биргина Форсис туманида ташкил этилган базальт кластерида йилига 177 минг тонна базальт тошдан махсус тола, директ ровинг, фибра, арматура, композит геотекста, қўвурлар, мато ва иссиқлик-изоляция плиталари каби 42 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилимоқда. Утган йили 554 миллиард сўмлик 45 минг тонна маҳсулот тайёрланди ва унинг 80 фози АҚШ, Англия, Польша, Италия, Россия, Туркия, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинди. Кластерда 1700 дан ортиқ киши иш билан таъминланган.

Улар орасида Жиззах политехника институти қурилиш материаллари ва кимёвий технология факультети талабалари ҳам бор. Ёш тадқиқотчиларимиз кластер корхоналарида даромад топиш билан бирга, илмий иш билан ҳам шуғулланимоқда. Айниқса, бу ерда ишлаб чиқариш қувватларини юқорилик, энг илғор технологиялар билан таъминлангани ёшларимизга катта тажриба мактаби бўлмоқда.

Шунингдек, “ROCKFIBER” МЧЖ корхонасида sanoat учун яна бир янги лойиҳага старт берилди. Бунда тегишли чиқиқли эчиқлик эга базальт тегили олиниб, ишлаб чиқариш шaroитида синовдан ўтказилади. Топили ровинг билан тўлдирилган иссиқлик изоляция шараи олиш имкониятларини тадқиқ қилиш жараёнида институт олимлари корхонада шaroит яратиб берилётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Келгусида биз янада ёрқин ва самарали лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмаями. Уйлаймики, мазкур сай-ҳаракатлар юртимиз тараққиётини юксалтиришдек масъулият вазифани ундашга катта ҳисса бўлиб қўшилади. Зеро, Жиззах политехника институтида илмий изланиш олиб бориш ва илмий лойиҳаларни амалиётга жорий этиш учун барча зарур шaroит ва имкониятлар яратилган.

Юксалиш палласи



Феруза МАДРАҲИМОВА,
педагогика фанлари доктори,
доцент

БЎЛҒУСИ ПЕДАГОГЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ қандай тарбиятда ўқияпти?

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг биринчи йўналиши таълим тизимидаги ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, ўқитиш сифатини ошириш орқали инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган. Жумладан, педагог кадрлар мақомини ошириш, билими ва малакасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш борасида аниқ вазифалар белгиланган. Бу чора-тадбирлар таълим тизимининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган педагогларнинг касбий изланишга рағбатини кучайтирди.

қонун билан мустаҳкамланди. Бу сай-ҳаракатлар педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари фаолиятини рағбатлантириш билан бирга бўлгуси мутахассисларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Айни пайтда Урганч давлат педагогика институтида ёшлар 15 та бакалаврият таълим йўналиши ва 7 та магистратура мутахассислиги бўйича таълим олмақда. Янги ўқув йилидан улар қаторига яна 4 та йўналиш қўшилди режалаштирилмоқда. Шунингдек, институтда таълим ва тарбия назарияси ҳамда методикаси йўналиши бўйича илмий кенгаш очилди. ОТМ таркибидан олий таълимдан кейинги таълим босқичида 7 та

ихтисослик бўйича таянч докторантура ташкил этилди. Ҳозир институтда иккита илмий журнал чиқарилмоқда.

Аудиториялар замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. “Беш ташаббус хонаси”, Алхобор технологиялари парки инкубация маркази, музыка музейи, психологик тренинг маркази, спорт зали, талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаси музейи, айниқса, яқинда барпо этилган ҳамда ёшларнинг билим ва тажриба алмашиши, дам олиши учун гўзал гўшага айланб бораётган Жадидлар боғи бўлгуси педагоглар хизматида.

Институтнинг бугунги ютуқларида халқаро нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани муҳим



ўрин тутмоқда. Хусусан, Синьцзян, Шенси педагогика, Нанкин технологиялар, Ланжоу транспорт университетлари (Хитой), Доншун университети (Жанубий Корея),

Эгей, Бурдур Меҳмет Акиф Эрсой, Нежметтин Эрбакан университетлари (Туркия), Озарбайжон давлат педагогика, маданият ва санъат ҳамда тиллар университетлари

билан алоқалар йўлга қўйилган. Шунингдек, Россиянинг Астрахан давлат университети, Новосибирск давлат техника университети, Қозон федерал университети, Беларусьнинг Гродно давлат университети, Иорданиянинг Жадара университети билан ҳамкорлик мемурандуми имзоланган.

Дубайда бўлиб ўтган “The 2023 UI GreenMetric World University Rankings” халқаро конференциясида Урганч давлат педагогика институти Times Higher Education (ТНЕ) — университетларнинг халқаро рейтингини баҳолаш ташкилоти аъзосига айланди. Утган йили августда ЭРАСМУС платформасидан рўйхатдан ўтди.

Айни кунларда ОТМ ҳудудида 400 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи қурилиши нияҳосига етмоқда. Келгуси йилда институтнинг 1000 ўринга мўлжалланган замонавий янги ўқув биносини қуриш мақсад қилинган. Шу тарққа талабалар учун босқичма-босқич муносиб шaroит яратилмоқда. Бу сай-ҳаракатлар сифатли мутахассислар тайёрлаш йўлидаги ишлардир. Ҳадемай янгилиниш самара бериб, мактабларимизга иштиғки баланд педагогларнинг янги авлоди кириб боради.

